



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA TENIARINHOZ BILAN KASALLANIШNING RETROСПЕКТИВ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАХЛИЛИ



Юсупов Ш.Ш.

Урганч РАНЧ технология университети Тиббий-биологик фанлар кафедраси (telefon raqami:
+998977035308;
e-mail: shavkat5308@gmail.com)

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудларида тениаринхоз касаллигининг тарқалганлигининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили, ёшлар ва катталар орасида, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида касалликнинг учраш даражаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тениаринхоз, эпидемиология, эпидемик жараён, ретроспектив таҳлил, касалланиш.

Аннотация

В статье анализируется ретроспективный эпидемиологический анализ распространенности тениаринхоза в Республике Узбекистан и ее административных территориях, уровень заболеваемости среди молодежи и взрослых, городского и сельского населения.

Ключевые слова: тениаринхоз, эпидемиология, эпидемический процесс, ретроспективный анализ, заболеваемость.

Abstract

The article analyzes the retrospective epidemiological analysis of the prevalence of teniarinchosis in the Republic of Uzbekistan and its administrative territories, the level of morbidity among young people and adults, urban and rural populations.

Keywords: teniarinhoasis, epidemiology, epidemic process, retrospective analysis, morbidity.

Дунё аҳолиси орасида ичак паразитар касалликлари кенг тарқалган бўлиб, зарарланганлар сони 3,5 миллиардга яқин кишини ташкил қилади. Аскарида, лямблия, эхинококкоз каби паразитлар билан бир қаторда тениаринхоз ҳам кенг тарқалган тасмасимон чувалчанглардан бири ҳисобланади [10,12,13].

Тениаринхоз – Тинидалар оиласига мансуб тасмасимон чувалчанг қорамол тасмасимон - *Taeniarhynchus saginatus* биогелменти келтириб чиқарадиган паразитар касаллик. Ҳозирги кунда ушбу паразит *Taenia saginata* номи билан аталади. Паразит йирик шохли қора маоллардан оралиқ хўжайин сифатида фойдаланиади, асосий хўжайини одамлар ҳисобланади [2,5].

T. saginata ер юзида кенг тарқалган, у асосан даромади паст бўлган ва санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш каттиқ назорат қилинмайдиган мамлакатларда кўпроқ учрайди [2,4,7]. Ушбу паразитни ташувчилари ер юзи бўйича 60-70 миллион кишини ташкил қилади деб баҳоланади. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки санитария ва гигиена



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

стандартлари юқори даражада деб ҳисобланувчи Европа мамлакатларида ҳам йирик шохли чорва-моллари орасида кенг тарқалган паразит сифатида сақланиб қолмоқда [3,8,12].

T. saginata аҳолиси йирик шохли қорамол гўштини истеъмол қилишга одатланган Яқин Шарқ, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Европа мамлакатларида эндемик ҳолатларда учраб туради.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра гижжаларга текширилганларнинг 3,6% турли хил гельминтозлар аниқланган. Барча гельминтозлар орасидан 0,2% тениаринхоз ташкил қилган. Республика бўйича аниқланган барча тениаринхозларнинг деярли 1/5 қисми Хоразм қиётига тўғри келади. Хоразм, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳиссагиса барча тениаринхознинг деярли 55% тўғри келади [6,14].

Қорақалпоғистонда олиб борилган тадқиқотларнинг бирида эса барча аниқланган гельминтлар орасида тениаринхознинг улуши нисбатан юқорироқ бўлиб, 0,6-1% ни ташкил қилиши аниқланган [1,4,5].

T. saginata тарқалганлигини жинслар бўйича таҳлил қилган тадқиқотларда ушбу паразит эркаклар орасида кўп учраши аниқланган. Муаллифлар эркаклар орасида паразитни кўп учрашини улар аксарият ҳолатларда мол гўшти билан ишлашлари (қассоблар), ошпазлар овқат пиширишдан олдин таъмини кўриш мақсадида хом гўшларни таътиб кўришлари билан изоҳлашади. Бундан ташқари етарлича ҳарорат остида ишлов берилмаган таомларни, хусусан стейкларни эркаклар аёлларга нисбатан кўп истеъмол қилишади [2,10,11].

Чорвачилик ва умумий овқатланиш корхоналарида фаолият олиб боровчилар орасида ушбу паразит билан зарарланиш ҳолатлари 8% гачани ташкил қилиши мумкин [5].

Ҳайвонлар орасида олиб борилган тадқиқотларда тениаринхоз билан зарарланиш йирик шохли чорва моллари орасида юқори даражада эканлиги аниқланган. Баъзи ҳудудларда чорва молларининг 56% экстенсив инвазия аниқланган. Тадқиқотчилар фермер хўжаликларида чорва молларини парваришlash билан шуғулланувчилар орасида тениаринхоз билан зарарланганлар улушининг кўп бўлиши мумкинлиги таъкидлашади. Шунингдек чорва моллари орасида инвазиянинг бундай юқори даражада бўлиши санитария-эпидемиология хизмати етарли даражада чора-тадбирларни олиб бормаганликларининг оқибати деб ҳисоблашади.

Шундай қилиб тениаринхоз касаллиги клиник белгиларсиз кечиши билан бошқа гельминтозлардан ажралиб туриши сабабли ушбу касаллик билан касалланиш даражаси ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, шунга асосан тениаринхоз касаллигида эрта ташхислаш, консерватив даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан бирidir.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудларида тениаринхоз касаллигининг тарқалганлик даражасини ретроспектив эпидемиологик таҳлили ва унинг олдини олиш чора – тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси СЭО ва ЖС кўмитаси ва унинг вилоятлар бошқармасининг тениаринхоз касаллиги бўйича 2010 – 2023 йиллардаги расмий ҳисоботлари; юқумли касаллик ўчоғини эпидемиологик текшириш карта маълумотлари ва беморларнинг касаллик баённомаларидан фойдаланилди. Тадқиқотда эпидемиологик ва статистик усуллардан фойдаланилди. Эпидемиологик таҳлил табиий, ижтимоий, касби-кор, ёш, жинс каби қатор кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда динамикада ўтказилди.

Асосий натижалар: Ҳозирги вақтда тениаринхозга қарши ўтказилаётган чора – тадбирлар маълум даражада ўз самарадорлигини намоён этаётган бўлса ҳам уни етарли даражада деб бўлмайди. Бундай ҳолатни республикамиз аҳолиси орасида касалликнинг охириги йилларда турғун ҳолатда қайд этиб турилганлиги, унинг аксарият ҳолларда сурункали тус олиши ва нохуш асоратларга олиб келаётганлиги яққол кўрсатиб турибди.




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Касалланишларнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлиллари қанчалик ўзоқ йилларни ўз ичига қамраб олса, касалланишнинг ўсиш ва камайиш тенденциялари, даврийлиги, тарқалганлик даражаларини аниқлашда самарали ҳисобланади. Шунинг учун биз тадқиқодимизда республикаимизнинг барча ҳудудларида тениаринхоз касаллигининг 2010 – 2023 йиллардаги (14 йиллик) касалланиш кўрсаткичларини таҳлил қилдик.

Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2023 йиллар давомида жами тениаринхоз касаллиги билан 6607 нафар беморлар рўйхатга олинган бўлиб, касалланганларнинг 100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичи турли йилларда 2,7 – 0,6 оралиғида бўлганлиги аниқланди (1-расм).



1-Расм. Ўзбекистон Республикасида тениаринхоз касаллигининг ретроспектив таҳлили (100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичларда 2010 – 2023 йиллар)

Тадқиқот олиб борилган дастлабки йилимиз 2010 йилда республикаимизда тениаринхоз билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи – 100 минг аҳолига нисбатан 2,7 ташкил қилган ва таҳлил этилаётган йиллар мобайнида энг юқори кўрсаткич кузатилган. 2011 йилдан бошлаб касалланиш кўрсаткичида пасайиш тенденцияси кузатилган бўлсада, охириги йилларда бир бирига яқин кўрсаткичларда сақланиб турибди. 2023 йилга келиб интенсив кўрсаткич 0,6 ни ташкил қилган, бу 2010 йилга нисбатан касалланишнинг 4,5 мартага камайганлигини кўрсатади. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида республика миқёсида касалланишнинг номунтазам тебранишлари қайд этилмаган.

Касалланиш кўрсаткичларининг йилдан йилга камайиб боришини тениаринхоз билан касалланган беморларнинг чет давлатларга бориб даволаниб қайтиши ва вилоят туманларидан шаҳар марказларига келиб даволаниши, касалланганларнинг рўйхатга олинишидаги айрим камчиликлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудлари бўйича тениаринхоз касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларини кўп йиллик динамикасини ҳудудлар бўйича 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикаси миқёсида жами касалланганлар сони ва 100 минг аҳолига нисбатан касалланишнинг интенсив кўрсаткичларининг ўртачасини




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

аниқлаганимизда Республикамизнинг турли вилоятларида бир текис тарқалмаганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудлари бўйича тениаринхоз касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари (2010 – 2023 йиллар)

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, касалланиш кўрсаткичи республикамизнинг барча ҳудудларида ҳар хил кўрсаткичларда қайд қилинган. 2010 – 2023 йиллар давомида жами касалланганлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар Хоразм, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, касалланиш ўртача тарқалган Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари, энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Наманган ва Тошкент вилоятида кузатилган.

Касалланиш кўрсаткичи энг юқори бўлган Хоразм вилоятида касалликнинг кўп тарқалганлик сабаблари, Хоразм вилояти аҳолиси орасида қадимий миллий таоми ҳисобланган “Ижжон” истимол қилиши ва касаллик манбасини борлиги билан исботланади.

“Ижжон” миллий таомини тайёрланиши – бу хом (мол ёки қўй) гўштини махсус чинор ёки жийда дарахтининг тўнкасидан тайёрланган ғўла (этчопар) нинг устида ўтқир пичоқда чопилиб, болта билан эзилади ва хомлигича ейиладиган гўшт қиймасидир. Ижжон тайёрлашда асосан янги сўйилган мол ёки қўй гўшtidан фойдаланилади, қора моллар эса тениаринхознинг асосий оралиқ хўжайини ҳисобланиб, касалликни юқтириш омилларидан бирига киради ва касалликнинг кўп тарқалганлиги шу билан изоҳланади. Ҳозирги кунда аҳоли орасида санитария тарғибот ишларинг олиб борилиши натижасида ижжон таомининг истеъмоли камайтирилган, қўй ва молларнинг сўйилиши санитария – ветеринария назорати томонидан тартибга солинган.

Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида, тениаринхознинг эндемик ўчоқлари мавжудлиги, аҳолининг асосий қисми шахсий чорвачилик ва деҳқончилик




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ишлари орқали ҳайвонлар ва тупроқ билан мулоқатда бўлиши касалликнинг кўп тарқалишига сабабчи омиллардан ҳисобланади, бу ҳудудлардаги касалланиш кўрсаткичи жами республика кўрсаткичидан 2 – 4 баробар кўп учраган.

Республикамиз бўйича 2010 – 2023 йиллар давомида тениаринхоз касаллиги билан касалланганларнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида тақсимланишини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2023 йиллар мобайнида тениаринхоз билан касалланганлар орасида қишлоқ ва шаҳарда яшовчи шахсларнинг ҳиссаси

Айтиб ўтилган йиллар давомида жами 6607 нафар тениаринхоз билан касалланган беморлар қайд этилган бўлиб, шундан 5269 нафари (79,8%) қишлоқ аҳолиси орасида, 1338 нафари (20,2%) эса шаҳар аҳолиси орасида қайд этилган.


Юқоридаги таҳлил натижасидан кўриниб турибдики тениаринхоз билан касалланганларнинг асосий қисми қишлоқ аҳолиси орасида тарқалган.

Тениаринхоз касаллигининг шаҳар аҳолисига нисбатан, қишлоқ аҳолиси орасида кўпроқ тарқалганлиги табиий ҳолатдир, чунки қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ишлаш жараёнида ва уй ҳўжаликларида шахсий деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадилар. Бу эса касалликнинг юктириш омиллари бўлган, тениаринхоз тухумлари билан зарарланган тупроқ ва чорва моллари билан мулоқотда бўлиш эҳтимоли юқорилигини кўрсатади.

Бундан ташқари қишлоқларда уй ҳўжалиги молларининг ветеринария ходимлари томонидан назоратининг суствлиги, ҳайвонлар дегельминтизация чора – тадбирларини тўлиқ олиб борилмаслиги, гўшти учун сўйиладиган ЙШМ ва МШМларнинг ветеринария ходимлари назорат қилмаслиги ва бошқа бир қанча омиллар сабаб бўлади.

Шаҳар шароитида касалликнинг тарқалганлигига сабаб аҳолининг вилоят туманларидан шаҳар марказларига миграцияси, шаҳарларга вилоятлардан тениаринхоз билан зарарланган ЙШМлар, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг аҳоли истеъмоли учун кириб келиши орқали тарқалмоқда.

2010 – 2023 йиллар давомида республикамизда тениаринхоз касаллиги билан 6607 нафар беморлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан 5028 нафари (76,0%) катта ёшдагилар орасида, 1579 нафари (24,0%) болалар орасида қайд этилган (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010 – 2023 йиллар мобайнида тениаринхоз билан касалланганларнинг 14 ёшгача болалар ва катта ёшдаги аҳоли орасида тарқалганлиги

Катта ёшдаги кишилар орасида касалликнинг кўпроқ учраши уларнинг касби – кори билан, шунингдек касалликнинг эндемик ўчоқларида кўпроқ бўлиш эҳтимоли борлиги ва “Ижжон” таъомини асосан катталар истимол қилиши билан боғлиқ. Болалар орасида касалланишнинг қайд этилиши уларнинг эндемик ҳудудларда яшаши, ўқишга ва ишга бориши билан тушунтирилади.

Хулоса. Республикамизнинг маъмурий ҳудудларида тениаринхоз билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили, касалланиш кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларда тениаринхознинг фаол эпидемик ва эпизоотик ўчоқлари мавжудлигини кўрсатади. Тениаринхоз касаллигининг қишлоқ аҳолиси орасида кўпроқ тарқалганлиги табиий ҳолатдир, чунки қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ишлаш жараёнида ва уй ҳўжаликларида шахсий деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадилар. Болаларга нисбатан катта ёшдаги кишилар орасида касалликнинг кўпроқ учраши уларнинг касби, шунингдек “Ижжон” таъомини асосан катта ёшдагилар истимол қилиши билан асосланди. Республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу касаллик ханузгача учраб турганлиги, бу эса ўз навбатида, кечиктириб бўлмайдиган профилактик чора – тадбирларни ташкиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдиев А.Ф., Хушназаров А.Х., Акрамов К.Ш. Тениаринхознинг Амударё соҳилларида тарқалиши. Ветеринария медицинаси. №9 (142) 2019. 25-26 б.
2. Айну́р М., Малышева Н. С. Эколого-биологические особенности формирования очагов гельминтозов в условиях Туркменистана. Международный научный журнал "Флагман науки" №6 (17) Июнь 2024. DOI 10.37539/2949-1991.2024.17.6.002
3. Варламова А. И., Халиков С. С., Метелева Е. С., Евсеенко В. И., Халиков М. С., Архипов И. А. Эффективность комплексных твердых дисперсий антигельминтиков при экспериментальном трихинеллезе // Российский паразитологический журнал. 2023. №1.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

4. Даминова М. Н. и др. Кишечные паразитозы у детей: клиническое значение //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 1. – С. 107-110.
5. Салимов Б.С. Самарканд вилояти шароитида қорамол цистицеркозининг эпизоотологик ҳолати. Биология ва тиббиёт муаммолари, 2014, №3 (79) 67-68.
6. Мадреимов А., Юсупов Ш.Ш., Расулов Ш.М., Якубов К.Й. Течение тениаринхоза в областях Республики Узбекистан «Хатлонский государственный медицинский университет» (V-годовая), посвящённой 30-летию Конституции Республики Таджикистан 29 ноября соли 2024 Данғара. 333-334 ст.
7. Фахриддинова Ш. Распространяемость глистных инвазий //Современник аспекты паразитологии и актуальные проблемы кишечных инфекций. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 36-37.
8. Abdullayevna I. M. Bolalarda ichak gelmintozlarini oldini olish va davolashni takomillahtirish //Scientific journal of applied and medical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 98-101.
9. Abubakar H. et al. Incidence of taenia saginata among breeds of cattle in Wurno Lga, Sokoto state, Nigeria. Abuja Journal of Pure and Applied Sciences Vol. 1, Issue 1. December 2022. 69-72.
10. Bouwknecht M, Devleesschauwer B, Graham H, Robertson LJ, van der Giessen JWB, Akkari H, et al. Prioritisation of food-borne parasites in Europe, 2016. Euro Surveill. 2018;23:17–00161.
11. Eichenberger RM, Thomas LF, Gabriël S, Bobić B, Devleesschauwer B, Robertson LJ, Saratsis A, Torgerson PR, Braae UC, Dermauw V, Dorny P. Epidemiology of Taenia saginata taeniosis/cysticercosis: a systematic review of the distribution in East, Southeast and South Asia. Parasit Vectors. 2020 May 7;13(1):234. doi: 10.1186/s13071-020-04095-1. PMID: 32381027; PMCID: PMC7206752.
12. Hirpha A, Bekele T, Melaku M. Study on bovine cysticercosis with special attention to its prevalence, economic losses and public health significance in and around Halaba Kulito town, South Ethiopia. World J. Agric. Sci. 2016;12(4):299–307.
13. Kiermeier, A., Hamilton, D. and Pointon, A. (2019). Quantitative risk assessment for human Taenia saginata infection from consumption of Australian beef. Microbial Risk Analysis, 12: 1-10.
14. Rasulov Sh.M. Madreimov A., Yusupov Sh.Sh. /Tениаринхоз касаллигининг тарқалиши ва унинг профилактикасини такомillashtirish // Инфекция, иммунитет и фармакология. – Ташкент, 2024. - №4. – Б. 72-78.
15. Sh, Yusupov Sh, and H. R. Ibrakhimova. "IMMUNOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PATIENTS WHOSE BODY IS INFECTED WITH CATTLE SOLITAIRE." *Новости образования: исследование в XXI веке* 2.15 (2023): 120-124.